

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ХОДИМЛАРИГА ТЕЗИСЛАР

(1-ҳафта)

<b>1-мавзу</b>	<b>Кафолатланган сифатли таълимнинг конституциявий ҳуқуқий асослари кучайтирилмоқда</b>
<b>Конституцияга киритилаётган ўзгариш</b>	<b>51-модда. (биринчи қисм) Фуқаролар давлат таълим ташкилотларида танлов асосида давлат ҳисобидан олий маълумот олишга ҳақли.</b> ...
<b>Тезислар</b>	<p>Ёшлар ҳаётда ўз ўрнини топишида олий маълумотга эга бўлишлари муҳим ўрин тутди. Олий маълумотга эга мутахассислар сонининг ортиши жамият ва давлат учун ҳам фойдалидир. Сўнгги йилларда мамлакатимизда ёшларимизни олий маълумотли бўлиши учун жуда катта ишлар олиб борилмоқда. Республика бўйича олий таълим муассасалари сони жами 210 тага етди. Натижада олий таълим билан қамров 2016 йилдаги 8 фоиздан бугунги кунга келиб 38 фоиз га етди.</p> <p>Лекин, шуни ҳам тан олиб айтиш керакки, бугунги кунда ҳамма оилалар ҳам фарзандларини контракт асосида университетларда ўқитиш имкониятга эга эмас. Моддий имконияти етарли эмаслиги туфайли ўқишга киролмаслиги ҳар қандай иқтидорли йигит ва қизнинг кўнглини чўктиради. Шундай вазиятда давлат томонидан билимли ва иқтидорли йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш муҳим ўрин тутди.</p> <p>Янги таҳрирдаги Конституциямизга киритилаётган ушбу қоида ҳар бир ёшга энг муҳим ҳуқуқ – давлат ҳисобидан олий маълумотли бўлиш ҳуқуқини тақдим этади. Бу янгилик давлатга қарашли институтларда ҳар йили тўғридан-тўғри давлат бюджети томонидан молиялаштириладиган ўринлар ажратилишини ва уларни ҳар қандай абитуриент тест натижалари бўйича танлов асосида эгаллаши мумкинлигини англатади.</p> <p>Бир сўз билан айтганда, ёшларимизга берилаётган бундай имконият уларни ҳаётда ўз ўрнини топишига ҳамда давлат ва жамиятга фойдаси тегадиган инсон бўлиб етишишига хизмат қилади.</p>

2-мавзу	Кафолатланган сифатли таълимнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари кучайтирилмоқда
Конституцияга киритилаётган ўзгариш	<p><b>51-модда.</b>  ...  <b>(иккинчи қисм)</b>  Олий таълим ташкилотлари қонунга мувофиқ академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқига эга.</p>
Тезислар	<p>Амалга оширилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим йўналишларидан бири таълим соҳаси эканлиги бежизга эмас. Зеро, жамиятни инсон, инсонни эса таълим ўзгартиради. Сўнги йилларда олий таълим тизими тубдан ислоҳ этилмоқда. Ислоҳотларнинг асосий мақсади жамиятдаги ёшларнинг бунёдкорлик потенциалини ошириш, мустақил ҳаётда муваффақиятга эришишга имконини кенгайтиришдан иборат. Мазкур мақсадларнинг асосий шарти сифатида олий ўқув юртларининг ўқитиш методологияси, таълимнинг илғор услубларини тезкорлик билан жорий этиш ва ривожланиш йўналишларини мустақил белгилаш ҳуқуқларига эга бўлишига боғлиқ. Дунёнинг энг сара хорижий университетлари муваффақияти ва рақобатбардошлигининг асосий шарти ҳам уларнинг академик эркинликка эгалигидир. Бу борада охириги йилларда босқичма-босқич олий таълим ташкилотларининг 40 дан ортиғига академик ва молиявий мустақиллик берилиши муҳим қадам ҳисобланади.</p> <p>Шунга қарамай, уларнинг халқаро стандартлар асосида фаолият юритиши, маъмурий бошқарувдан тортиб то ўқув-услубий ва илмий-тадқиқот жараёнини ташкил этишгача академик эркинликка эришишини таъминламасак, бизнинг олий таълим тизими жамиятнинг прогрессив ривожланиши драйвери, янги кашфиётлар манбаи ва рақобатбардош жамият яратиш асрий орзуларимизни армонлигича сақланиб қолишига олиб келиши мумкин.</p> <p>Бундай эркинликсиз сифатли таълим ва самарали илмий-тадқиқотларни йўлга қўйиш жуда ҳам мураккаб.</p> <p>Академик эркинлик бу нафақат таълим ташкилоти ва унинг профессор-ўқитувчилари, балки талабаларнинг ҳам эркинлиги ҳисобланади. Эътиборлиси шундаки, талабаларнинг ўз эҳтиёжи ва кўникмаларидан (специализация) келиб чиқиб фан ва ўқув дастурларини танлаш имконияти яратилишига, ёшларнинг шахсий ривожланишига, натижада битирувчилар ўз соҳасининг эгаси бўлиб шаклланишига қаратишга улкан имконият яратилади.</p> <p>Янги таҳрирдаги Конституциямизда олий таълим ташкилотларига</p>

академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқини беришимиз ўқув жараёнини мустақил шакллантириш, илмий-тадқиқот мавзуларини мустақил танлаш ва тадқиқ этиш, унинг натижаларини нашр этиш ва тарқатиш, профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимлар академик эркинлигини чекланмаслиги – фарзандларимиз камолоти ва жамиятимиз тараққиётида муҳим қадам бўлади. Бундан ташқари, ушбу эркинлик олийгоҳларнинг молиявий масалалар бўйича қарор қабул қилишдаги мустақиллигини таъминлайди, уларни жавобгарлигини кучайтиради.

Олий ўқув юртларига эркинлик бериш орқали фарзандларимиз камолоти ва жамият тараққиёти тарафида бўлайлик.

3-мавзу	Нодавлат таълим тизими ривожланиши
<p>Конституцияга киритилаётган ўзгариш</p>	<p>50-модда. ... (иккинчи қисм) Давлат узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлайди. ...</p>
<p>Тезислар</p>	<p>Амалдаги Конституцияда ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланган бўлса-да, ушбу ҳуқуқни амалга оширишнинг асосий механизмларидан бири бўлган узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш борасида давлатнинг мажбуриятлари белгиланмаган эди.</p> <p>Шу боис давлат зиммасига фуқароларнинг таълим олиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган таълим тизими, узлуксиз таълимнинг турлари ва шакллари ривожлантириш вазифаси юкланмоқда.</p> <p>Буни оддий сўзлар билан қуйидагича изоҳлаш мумкин. Энди давлат таълим соҳасини ривожлантиришда урғуни фақатгина умумтаълимга эмас, балки таълимнинг барча турларига баб-баравар эътибор қаратиб, фуқаро то туғилгандан бошлаб бутун ҳаёти давомида сифатли таълим олиши учун шароитлар яратади. Бунинг учун нафақат давлат таълим муассасалари, балки таълимнинг нодавлат шаклини ҳам ривожлантиришга масъул бўлади. Бу орқали фуқарода энг сифатли таълимни олиш учун рақобатли танлов имконияти пайдо бўлади.</p> <p>Янги таҳрирдаги Конституциямизда таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш, узлуксиз таълим тизимининг шаклларида бири сифатида давлат таълим ташкилотлари билан бир қаторда <b>нодавлат таълим ташкилотларини ривожлантирилишини</b> давлат ўз зиммасига олмоқда.</p> <p>Келинг бу ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишимиз учун Сизлар билан ушбу соҳа олдин қай аҳволда эди, ҳозир қандай ва келажакда қандай бўлади, деган саволларга жавоб излаб кўрамиз.</p> <p>Мисол учун, илгари олий таълим олиш истагида бўлган абитуриентларда танлов бирмунча чекланган эди. Сабаби улар хоҳлаган йўналиш фақатгина битта олий таълим муассасасида бўларди ёки у ҳам бўлмасди.</p>

Биргина олий таълим мисолида олиб қарасак, охириги 2022-2023 ўқув йили учун олий таълим олиш истагида бўлган абитуриентлар сони **1 млн 200 мингдан ортиқни** ташкил этди, олийгоҳларга қабул сўнги олти йилда **5 бараварга** ортиб, талабалар сони **1 миллионга** етди. Қамров эса, **9 фоиздан 38 фоизга** ошди. Мисол учун, **2016** йилда **77 та** олий таълим ташкилоти фаолият юритган бўлса, 2023 йилга келиб уларнинг сони **200 дан** ошди, шундан **40 таси** нодавлат олий таълим ташкилотидир.

Бугунги замон ёшлари илғор фикрлайдиган, қатъиятли, ўз мақсади сари ҳаракат қиладиган, мустақил қарор қабул қила оладиган, муаммони ижобий ечадиган шахслар бўлиши керак. Таълим соҳасида янги таҳрирдаги Конституцияга киритилаётган янгиликлар эса айнан шундай етук, баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилади.

**Ҳурматли юртдошлар сифатли таълимни олишда имконият бўлишини истасангиз конституциявий ислоҳотларни қўллаб-қувватланг.**